

тийислиги анық.

Ш.Ұәлиханов «Қазақ халқының поэзиясы жөнінде» деп аталатын мийнетінде: «Қосық, нама – жаңадан ядтан шығарылған ямаса бир атақлы қосықшы шайырдың бурынырақта шығарған қосықтары домбыраның, қобыздың, ым менен, дене қыймылларының сүйемеллеуі менен айтылып, халық арасына тарайды, айырым қосықшы шайыр өз тәрәпинен сол қосыққа кирису және жууымақлау сөз қосып отырады» [8] – дейди. Уллы алым жууымақтарынан қарақалпақ аймағындағы қазақ шайыр-жыршылары мийрасларынан усындай нызамлылықтарды байқаймыз. Олар уақыт пенен кеңіслікке сәйкес адам тәғдирин, өмир сүрген орталығын

сәулендириу арқалы дәретиушилиқ етеди.

Қарақалпақ аймағында шайырлық, жыраулық өнери менен танылған, усы аймақтағы өзге миллет шайырлары менен дәретиушилиқ, дослық, устаз-шәкиртлик байланыста болған қазақ шайырларынан Қарасай, Ережеп, Ақпан, Ж.Мамыт улы, Ж.Төлепов, Ерқожа, Қосым, Жумағали, Жалғасбай, Ермахан, Сейдәли, Тилеумағамбет, Жақып, Қудайберген, Қайролла хәм т.б болды. Олар шығармалары арқалы туысқанларын ата журтқа биригиуи, сол журтты қадирлеуге шақырды. Миллетлик қәлбимизди сақлауға, қахарманлықты, елди ардақлап, ар-намыссы болыуға тәрбиялады. Соның менен бирге, өзге миллетлерди қадирлеуге жигерлендирди.

Әдебиетлар

1. Қазақ әдебиетінің тарихы. 3 том. – Алматы: «Ғылым», 2000, 27- б.
2. Қасқабасов С. Шығармалары. – Астана: «Фолиант», 2011, 486, 490-б.
3. Әдебиет тарихы. – Алматы: Ана тілі, 1991, 201-б.
4. Әдебиетіміздің ақтандақ беттері. – Алматы: 1995, 12- б.
5. Ақындар. – Алматы: 1956, 18- б.
6. Жыршылық дәстүр. – Алматы: 1980, 8-9-б.
7. Өуезов М. Уақыт және әдебиет. Құрастырған, редакциялық алғы сөзін жазған Ы.Т.Дүйсенбаев. – Алматы: Қазақтың Мемлекеттік көркем әдебиет баспасы, 1962, 35-б.
8. Уәлиханов Ш. Таңдамалы. 2-басылуы. – Алматы: «Жазушы», 1985. 67-б.

РЕЗЮМЕ

Мақалада XV-XIX асрларда яшаб ижод этган козок адабиетідаги таникли шоир-бахшилар хамда улар қолдирган бой меросининг мавзу, жанр ва бадийи-эстетик ўзига хосликлари, шоир-бахшилар асарлари ҳақидаги олимларнинг қарашлари ўз ифодасини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье идёт речь об известных поэтах-сказителях казахской литературы 15-19 веков, тематические, жанровые и художественно-эстетические особенности в оставленном ими наследии, о мнениях учёных о творчестве поэтов-сказителей.

SUMMARY

The article deals with peculiarities of literary works of kazakh poets and bards of XV-XIX centuries, their literary heritages and rich themes, genre and literary- aesthetic characters. Further more author presents different scholars hypothesis on the literary texts.

БОЛАЛАРНИ ЭРКАЛОВЧИ ХАЛҚ ҚҰШИҚЛАРИ

И.Шоймардонов - ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: халқ кўшиқлари, “бешиқ” кўшиқлари “алла”, “хуй-ё, хуй-ё”, “хай ёр-эй”, “бўйни узун”, “қум ялаш”, “қумлади”, “уялади”, “болалар туя қувалар”, “хуй-я-қуш”, “Ушлагани гул бўлсин, ирискиси мўл бўлсин” жисмоний, ахлокий, эстетик, маънавий тафаккур.

Ключевые слова: народные песни, «колыбельные» «алла», «хуй-йо, хуй-йо», «хай йор-эй», «длинная шея», «лижущий песок», «песком», «стыдно», «Дети гонятся за верблюдами», «Хуй-птица», «Пусть тот, кто ловит цветок, пусть ирис будет в изобилии», физическое, нравственное, эстетическое, духовное мышление.

Key words: folk songs, “lullabies”, “alla”, “huy-yo, huy-yo”, “hay yor-ey”, “long neck”, “licking sand”, “sanded”, “ashamed”, “Children chase camels”, “Huyya-bird”, “Let the one who catches a flower, let the iris be plentiful”, physical, moral, aesthetic, spiritual thinking.

Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, тафаккур эгаси бўлган инсон ўз турмуш тарзини яхшилашга, кечагидан кўра яхшироқ яшашга, фарзандлари иқболини кўришга интилади. Ҳар бир халқ ижтимоий адолат, фаровонлик йўлини тутар экан, табиийки, шу ният йўлида ҳаракат қилади. Шу орзу билан яшайди, келажагига умид ва ишонч кўзи билан қарайди.

Ҳукуматимиз раҳбарининг куюнчақлик билан дадил айтган ушбу фикрларини ўқиб мулоҳаза юритар эканмиз, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш жамият учун, жамият келажагининг тақдири учун нақадар муҳим эканлигини юракдан ҳис этамиз. Дарҳақиқат ҳозирги кунда мустақил республикамиз олдида буюк келажакни яратувчи баркамол авлодни, ривожланган замон ва жамиятнинг фаол кишини тарбиялашдек ўта маъсулиятли, машаққатли ва айни пайтда долзарб вазифа турибди.

„Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлоқо йўл қўйиб бўлмайди [1:505].

Тарбияда кадрларнинг ифода топиши эса, энг аввало, оиладан бошланади. Ҳар бир оила-муқаддас даргоҳдир. Ҳар бир оиланинг қувончи фарзанддир. Оилада фарзанд туғилиши-бу, шодиёна, қувонч, минг бир орзу-истакларнинг, умидларнинг ушалиши ва, албатта, жамият олдидаги маъсулиятдир. Бу маъсули -

ятни намунали оилаларда яхши тушунишади.

Шундай қилиб, оилада тарбиянинг негизига асос солинади. У болада шаклланиши лозим бўлган барча инсоний муносабат ва вазифаларни тарбияловчи ҳаёт мактаби ҳисобланади. Бола тарбияси кенг қамровли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, уларнинг вақтини фойдали ўтказиш ва кадрига етишни ўргатиш тарбиянинг муҳим хусусиятларидандир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар фарзандлар бахт-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учундир, десак, хато бўлмайди. Жамият томонидан ҳамма яхши нарсалар болаларга деган шиорнинг ўртага ташланиб туриши ҳам шундан. Бу туйғуни атоқли шоиримиз Шайхзода қуйидагича ифода этган:

Болалардир биламиз бун
Дунёимизнинг эртанги куни
Кўзимизнинг қорачуғидек,
Қизил гулнинг соф уруғидек,
Болаларни асраймиз ҳар дам,
Авайлаймиз, севामиз маҳкам. [2:95]

Бола тарбиясида она алласининг роли ва аҳамияти-ни юқоридаги таҳлилларда кўрсатиб ўтдик. Бунда бола тарбиясини бошловчи она, аниқроғи онанинг меҳри эканлиги кўриниб турибди. Бола учун она бошдан охири гиргиттон, парвона бўлиши тасвирланади. Унинг меҳри алласидан тортиб, худо кўрсатмасин, марсиясигача

юксак ифода топади. Шоир Расул Гамзатовнинг куйидаги шеъри бу жиҳатдан ибратлидир.

Эллардан қадимдан бир хил қўшиқ бор,
Уларда ғам ила шодиёналар.

Биринчиси қувноқ кўп жозибатор,
Буни алла айтиб тўқир оналар.

Оналар қўшиғи иккинчиси ҳам,
Буни фарёд солиб айтади улар
Фарзанд тобутини кучоклаган дам

Учинчиси жами қолган қўшиқлар

Шундай қилиб, келажак авлоднинг маънавий тарбияси алладан бошланади, десак ўринли бўлади.

Алланинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятига шоир ва ёзувчилар, педагоглар ҳам алоҳида этибор берадилар, алла моҳиятан эзгулик ифодаси деб биладилар. Масалан, шоир Болта Ёриев “алла” шеърида уни шундай таърифлайди:

Қудрат тоғи – оналарнинг ушбу қўшиғи,
Юксакларга бошлаб юргай инсониятни
Ёвузликлар ёвидир у, софлик ошиғи,
Эзгуликка чулбаб тургай абадиятни. [3:107]

Шеърда она алласининг умуминсоний аҳамияти оналарнинг дунё тинчлигинининг тилакчиси эканлиги, унинг алласида умуминсоний туйғулар мужассамлиги, бу қўшиқ яхшиликларга ҳурмат, ёмонликларга нафрат ифодаси эканлиги ифода этилиб, она алласининг кенг қўламли туйғулар мужассами эканлиги таъкидланган.

Албатта, оилада бола тарбияси фақат она фаолияти билан чегараланиб қолмайди. Бунда оиладаги ижобий тарбиявий муҳитни ташкил этувчи кишилар: ота, бобо, момо, опа-акаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Уларнинг ҳам болага меҳри бекиёсдир. Шунинг учун ҳам шоир Теша Саидалиев “ота меҳри” шеърида қуйдагича ёзади:

Эй, шоир дўстларим,
Қалбларнинг сирин
Сизнинг шеърингиздан билади олам.
Улуғлаган чоғда оналар меҳрин,
Унутманг Оталар муҳаббатин ҳам. [4:25]

Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, болалар фольклорида ота-боболарнинг “Хуй-ё, Хуй-ё” эркалатма қўшиқлари эътиборга сазовордир. “Хуй-ё, Хуй-ё”лар кўринишидан овутиш, эркалатиш хусусиятига эга бўлса-да, уларда ҳам худди оналар алласи каби, чуқур ҳаётсеварлик, инсонпарвалик туйғулари, юксак орзу-умидлар, фарзанднинг камолини кўриш ниятлари ифода этилади.

“Хуй-ё, Хуй-ё” ҳам халқ қўшиқларига хос воқеабандлик, ҳаётий таъсирлар, таъкидли ритмика, муסיкий оҳанг ва бошқалар сақланади.

“Хуй-ё, Хуй-ё” қўшиқлари болани тиззага олиб, тебраниб эркалатиш қўшиғидир. Уни, асосан, боболар, баъзан оталар болани суйиб қуйлашган. Болани тиззасига олиб, гўё туяга миндириб кетаётгандай тебраниб, ушбу оувтамочқни айтишган. Бугунги кунда оилалар замонавийлашиб, ота-оналар ҳам зиёлилашиб, бу каби урф-одатлар тамомилда эскирган. Аммо улар халқ хотирасида ҳамон оғиздан оғизга ўтиб яшаб келади. Улар, айниқса, халқ бахшилари репертуаридан муносиб ўрнини топиб боради.

“Хуй-ё, Хуй-ё”лар асосан халқ қўшиқлари оҳанги мотивида яратилади. Халқ қўшиқларида асосий мазмунга қўшимча равишда маълум сўзларни такрорланади улар мазмунни бойитишга эмас, балки қўшиқдан завқланиш туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан:

Арик бўйида ялпиз-эй,
Хай ёр-эй, хай дўст, хай дўст!
Ялпизнинг барги ёлғиз-эй,
Хай ёр-эй, хай дўст, хай дўст!
Отанг бозор кетганда-эй,
Хай ёр-эй, хай дўст, хай дўст!
Қандай ётасан ёлғиз-эй

Хай ёр-эй, хай дўст, хай дўст!

Аслида, бу ерда халқ қўшиғи:

Арик бўйида ялпиз,
Ялпизнинг барги ёлғиз.
Отанг бозор кетганда,
Қандай ётасан ёлғиз?

Ушбу қўшиқни қуйлаш моқомида “Хай ёр-эй, хай дўст, хай дўст!” воситачи унсурлари матнга киририлган, бу эса уни завқ шавқ билан қуйлашга мослаган, қуйловчининг ҳаяжонли туйғуларини ифодалашга, тингловчида эстетик ҳаяжон кўзгашига хизмат қилган.

“Хуй-ё, Хуй-ё”да такрорланувчи ёрдамчи унсур асосан эркалашни, болага ором бахш этишни ифодалайди. Қўшиқ матнида эса айтувчининг болага меҳри, унинг келажига билан боғлиқ орзу умидлари билан тарафдор этилади. Меҳр эса тарбиянинг ўзагидир. Кишидаги барча олийжаноб туйғулар болалигидаги ғамхўрлик, меҳрибонлик оқибатида юзага келган десак адашмаймиз. “Хар бир инсон болалигида меҳр ва ҳамдардликни талаб этади”, - дейди машҳур педагог В. Сухомлинский. Бола бераҳмлик вазиятида ўсиб улғайса, яхшилик ва гўзалликка нисбатан эътиборсиз бўлиб қолади. Мактаб оиланинг, хусусан, онанинг ўрнини тўла-тўқис боса олмайди, лекин бола уйда меҳрдан, шавқатдан ва ҳамдардликдан маҳрум бўлса, биз, тарбиячилар унга алоҳида ғамхўрлик қилишимиз керак” [5].

“Хуй-ё, Хуй-ё”ларда ҳам, бошқа халқ қўшиқлари, термалари, тўртликларида бўлгани каби, ахлоқ, тарбия, меҳнат, табиат, маиший турмуш ва ижтимоий ҳаёт ва бошқа қатор жиҳатлар билан алоқадор қарашлар яхши ифода топади. Масалан, Сурхондарёлик Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умировдан ёзиб олганимиз “Хуй-ё, Хуй-ё” овитмачоғида халқнинг туякашлик, чорвачилик, деҳқончилик фаолияти билан алоқадор ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар, тасвир ва мулоҳазалар мавзуси бўлиб келади. Овитмачокнинг

Хуй-ё бир, Хуй-ё, Хуй-ёлар

Хуй-ё бир, Хуй-ё, Хуй-ёлар

деб бошланишидаёқ болани суйиш, эркалаш, айтувчи меҳрининг товланиши ўзига хос оҳангда ифода топади, “Хуй-ё, Хуй-ё”га киришнинг жозибали оҳангдор ритмикаси яратилганини кўрсатади. Маромли бу оҳангдор оувтамочқдаги “хуй-ё”, “хуй-ё” сўзининг такрор-такрор қўлланилиши болага мароқ ва ҳузур бағишлайди. Шундан кейин гўё болага уй ҳайвонларидан бири бўлган туяга хос бўлган хусусиятлар билан таништириш тасвирига ўтилади:

Бўйни узун ҳам туялар,

Қумни кўрганда уялар,

Болалар туя қувалар,

Хуй-ё бир, Хуй-ё, Хуй-ёлар...

Қаранг, бу ерда туянинг тасвири болалар боп содда қилиб “бўйни узун” деб кўрсатиляпти. Туянинг ҳамма белгилари эмас, айнан “бўйни узун” лиги туя кўринишининг бола назаридаги тез илғанадиган белгиси қайд этилмоқда. “Қумда уялаш” ҳам туя ҳайвонининг ўзига хос хусусияти туя ҳатто юк билан дарё кечганда ҳам баъзан дарё қумида ҳам уялаши мумкин буни халқ тилида “қумлади”, “уялади” дейилади. Туянинг қумда ором ола олмаслиги унинг оёғининг яссилиги билан боғлиқдир. Оувтамочқдаги “Болалар туя қувалар” сатрида болаларга хос ўйинқароқлик хусусияти тасвир этилган. Бу тасвирлар болада туяга нисбатан меҳр уйғотади, тасаввур ҳосил қилади ва ҳаёлида ижобий, завқли манзаралар яратади.

Бахшининг ушбу овитмачок термасида малум бўладиги “хуй-ё, хуй-ё”ларда асосан болаларга таниш уй ҳайвонлари, деҳқончилик ишлари, экинлар тилга олинади. Бу шеърий мулоҳазалар болаларда меҳнатга, меҳнат аҳлига, уй ҳайвонларига меҳр туйғуларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Хуй-ё бир хуй-ё, хуй кашқа,
Хўкизинг тушди-ё мошга
Дехқон бобанг билмасин,
Билса ҳам, сени урмасин,
Қувалаб ҳайдагин даш(т)га,
Хуй-ё бир хуй-ёлар.

“Нутқ маданияти бешик ёшидан бошланади, дейди тилшунос олим Л.В.Успенский. Унинг фикрича, бола тили ва нутқига ташкилий таъсирни энг аввал у ҳеч бўлмаганда бирон сўзни айтишга қобилиятли бўлганлигини сезганингиз пайтларданок бошлаш лозим” [6:78].

Бола бешикда аллани кучокда “хуй- ё, хуй- ё” ни эшитиб овунади ва ухлаб қолади. Ушбу қўшиқлардан мақсад ҳам шу, яъни болани овутиб ухлатиш эканлиги эслатилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан:

Отанг айтади “хуй- ё” ни,
Онани айтади аллани,
Ёдга олиб Оллоҳ таолони,
Ухлатар йўлбарс болани.

Хуй-ё бир хуй-ё, хуй-ёлар,
Хуй-ё бир хуй-ё, хуй-ёлар.

Халқ тилида болаларни йўлбарсга, шерга, қарчиғайга нисбат бериб макташ, олқишлаш кўп учрайди. Бунда ўша ҳайвонлардаги кўпчилик, жасурлик, чакқонлик, сезгирлик сифатлари назарда тутилади ва фарзандларининг ҳам ана шундай фазилатлар эгаси бўлиши ният қилинади. Юқоридаги мисолда бола йўлбарсга ўхшатиладиган.

Халқ қўшиқларида табиат ходисалари паррандалар, ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи тасвирлари ҳам ўзига хос ўринга эга. Табиатсеварлик болаларга ҳам хос айтиш мумкинки, табиат гуллари, кушлари, жониворлари болаларнинг жони дили, болаларнинг уларга меҳри мафтунлиги, қизиқиши ва ҳаваси ўзгачалиги тасвирланиши Хуй -ё, Хуй -ёларда болаларга завқ бағишловчи овитмачоқдир. Уларнинг паррандалар ҳаракати ва табиатига ҳавас ҳамда меҳрини қўзғатувчи сатрлар ҳам яратилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараккиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017, 505-б.
2. Шайхзода. Асарлари, 6-жилд. –Тошкент: 1974, 95-б.
3. Болта Ёриев.Меҳр булоғи Сайланма 4-жилд. 107-б.
4. Теша Саидалиев. Ҳаёт қўшиғи. –Термиз: ”Жайхун”, 1993, 25-б.
5. Сухомлинский В. Сердце отдаю детям. –Киев: “Радянська школа”, 1969, -С. 78.
6. Успенский Л.В. Культура речи. –Москва: ” Знание”, 1976. -С 21.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Сурхон болалари, шу жумладан, Сурхон болалар ўйин фольклорининг бадиий талқини, бахшилар тилидан ёзиб олинган термалар ҳамда уларнинг бола тарбияси, маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается значимость интерпретаций детского сурхандарьинского фольклора в воспитании духовно-нравственных качеств у Сурхандарьинских игр и терминов записанных с уст бахши.

SUMMARY

The article deals with importance of interpreting children’s Surkhan folk in upbringing spiritual-moral of children by means of childrens games and term which were recorded by Bakshi.